

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 24 сентябрь • сешанба № 36 (876)


e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz

www.insonvaqonun.uz

www.insonvaqonun.adliya.uz

Ислом КАРИМОВ:

“...Юртимиздаги маънавий иқлим ва вазиятни англамоқчи бўлсак, бу борадаги ҳақиқий манзаранинг ёрқин ифодасини, аввало, маҳалла ҳаётида худди ойнадек яққол кўриш имконига эга бўламиз”.



Ватан маҳалладан бошланади

Мамлакатимизда 2013 йил ноябрь-декабрь ойларида навбатдаги фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилади

“ОЛТИН” ҚОНДА
МАҲАЛЛА. Бу сўзни эшитганимизда кўз олдимизга қўни-қўшниларимиз, тўю маъракаларда елиб-югуриб хизмат қиладиган эпчил йигитлар, оппоқ соқолларини силлаб ёш-яланга йўл-йўриқ кўрсатаётган ёши улуг инсонлар келади. Ҳар тонгда ишга кетаётган кўча-кўйда ана шу инсонлар билан учрашиб салом-алик қиламиз. Ҳол-аҳвол сўрашамиз. Чунки уларнинг ҳар бири қадрдонларимиз, маҳалладошларимиз. Яхши-ёмон кунларда ёнимизда турадиган ҳамдард, ҳамфикрларимиз. Тўғриси, бугун ҳаётни уларсиз тасаввур қилолмаймиз. Мустиқликдан сўнг маҳаллани қўллаб-қувватлаш, унга қўшимча ваколатлар бериш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бунинг юртимизга таърифи буюрган халқаро мутахассислар ҳам эътироф этмоқда.

Жорий йилнинг 12 сентябрда Олий Мажлис Сенати-

нинг “Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловида тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда 2013 йил ноябрь-декабрь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг навбатдаги сайловини ўтказиш, сайловда 9756 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 97 минг нафардан зиёд маслаҳатчиларини сайлаш кўрсатиб ўтилган. Қарорнинг ижросини таъминлаш борасида жойларда кенг кўламли ишлар бошлаб юборилди. Ушбу қарорда журналистлар зиммасига ҳам катта масъулият юклатилган. Жумладан, оммавий ахборот воситаларига фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш жараёнини

кенг ёритиб бориш тавсия этилди.
— Маҳалла ажойиб маскан, — дейди маҳалламиз фаолларидан бири тиббиёт фанлари доктори, профессор Шавкат ака Аҳмедов. — Бу масканда сенинг амалинг, уновнинг ҳеч кимни қизиқтирмайди. Маҳалланинг тўю маъракаларида, яхши-ёмон кунларида фаол қатнашсанг, ҳурматинг ошади. Жамоани менсимасанг, маҳаллада сен ҳеч киммасан. Бу маҳалланинг “олтин” қондаси.
...4-5 йил бурун маҳалламизга Ботирбой ака, деган киши кўчиб келиб, куббали икки қаватли ҳашаматли уй қурди. Маҳалладошларимизнинг айтишича, хориждан мол олиб келиб сотадиган катта тадбиркор экан. Бир кун маҳалла фаолларидан бири унинг уйига чиқиб, “Ботирбой маҳаллага аралашиб туринг. Яхши бўлади. Тўйлар қилсангиз, ёнингизда турамиз”, деди. Шунда Бо-

тирбой: — “Раҳмат. Аммо сизларга ўхшаб тўйма-тўй, жаноза-жаноза юришга менинг вақтим йўқ”, — дея жавоб қайтарибди.
Орадан бир йил ўтмай, Ботирбойнинг хотини қаза қилди. Маҳалланинг баъзи одамлари “маҳаллани менсимасанг одамнинг тўйига ҳам, жанозасига ҳам бормаймиз”, дейишди. Шунда МФЙ раиси Абдулқосим ака — “Бундай қилиш яхшимас. Маҳалланинг барча эркакларига айтилган, соат 12 га жанозага етиб келсин. Маҳалламизнинг обрўсини ўйлашимиз керак. Ботирбой нодон бўлса, маҳалла ақли ақлли бўлсин”, — деди.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Юртбошимиз раҳбарлигида мамлакатимизда юқорида тилга олинган тамойилни рўйбега қилиш борасида катта ишлар амалга оширил-

моқда. Бугунги кунда мамлакатимизда 9756 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият кўрсатмоқда.
Бу борада ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Бугунги кунда давлат бошқаруви демократлаштирилиб, ҳокимият органлари ваколатига кирувчи ижтимоий-иқтисодий хусусдаги 30 дан ортиқ вазифалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи — маҳалла иктиёрига ўтказилди. Бу имконият ва имтиёзлар маҳалланинг халқ орасида обрўси янада ошишига хизмат қилмоқда.
Тўғриси, бундан бир неча йил олдинги маҳаллақўм билан бугунги маҳалла фуқаролар йиғини ҳар жиҳатдан фарқ қилади. У энди ўз бурчини ва мажбуриятини яхши биладиган раҳбар. Маҳалланинг яхши ва ёмон кунини кўмак берувчи инсон. Ёнг муҳими, одамлар унга ишонади. Бўлажак сайловда

ўзлари ишонган, обрўли одамларни сайлаш пайти келди.
— Бугунги фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари қандай бўлиши керак, деган саволга жавоб бериш мақсадида бу йил февраль ойида “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бўшқаруви томонидан ҳамкор давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий тузилмалари ходимлари учун ўқув-семинарлар ташкил этилди, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бўшқаруви раисининг ўринбосари Гавҳар Алимова. — Семинарда Адлия, Халқ таълими, Ички ишлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Хотин-қизлар,

Матбуот анжумани ОАВ билан алоқалар

тадбиркорлик фаолиятининг янада кенгайишига хизмат қилади

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан ҳамкорликда “Хорижий сармоя ва хусусий тадбиркорликда қонунчилик имтиёзлари” мавзусида матбуот анжумани ўтказди.

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИнинг ўринбосари Анвар Усмонов таъкидлаганидек, сўнгги йилларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, уни қўллаб-қувватлаш борасидаги қонунчиликнинг такомиллаштирилиши натижасида, ҳозирда соҳада рўйхатдан ўтказишнинг хабардор қилиш тартиби жорий этилди. Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган текширишлар сони тубдан қисқартирилди, топширилган ҳисобот турлари камайтирилди. Натижада, кичик бизнеснинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулидаги улуши йилдан-йилга сезиларли даражада ошишига эришилмоқда.

Ўтган йили Президентимиз томонидан қабул қилинган “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари бу соҳадаги ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Жумладан, статистик, солиқ ва молия ҳисоботларининг бир қанча турлари бекор қилинди, ҳисоботлар миқдори камайтирилди, уларни тақдим этиш даврийлиги қисқартирилди, рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомил ҳамда 15 та фаолият турининг лицензияланиши бекор қилинди.

Анжуманда журналистларга тадбиркорликка янада кенг эркинлик беришга йўналтирилган фаолиятни амалга ошириш бўйича 2013-2014 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар Дастурида белгиланган вазифалар юзасидан батафсил тушунча берилди.

Шунингдек, тадбирда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида қонун ҳужжатларини қабул қилиш билан бир қаторда, уларнинг амалда тўғри ва тўлиқ ихро этилиши ҳақида маълумот берилди.

Ўқув-машгулот Оила психологияси

бир-бирини тушуниш демасқидир

— ҲАР БИР инсон бахтли яшашни, оиласи билан тинч-тотув умргузаронлик қилишни ўзининг олий мақсади, деб билади. Бунга эришиш эса осон кечмайди. Бу жараёнда оила аъзоларининг психологияси асосий роль ўйнайди. Чунки бир-бирининг руҳини англаб етган оиладагина тотувлик, бирдамлик ҳукм суради, — дейди Адлия вазирлигида мунтазам ўтказиб келинаётган ўқув-машгулотнинг навбатдаги меҳмони, “Ўзининг оила” психологик хизмат кўрсатиш маркази директори ўринбосари Гозель Утекова.

ДАРҲАҚИҚАТ, миллимизда шундай удум бор, келин қидириб бIRON хонадонга совчиликка бориладиган, ёши улуглар ёшларнинг ўзлари учрашиб кўришсин, дейишди. Бу бекорга эмас, албатта. Янги оила қураётган ўғил-қиз бир-бирини тушунади, турмуш қургандан сўнг оила аталмиш муқаддас кўрган пойдеворини мустаҳкамлашда бир-бирига елкадош бўла оладими, шу мақсадда уларга имкон яратилди.

Шунингдек, тадбирда психологик хизмат кўрсатиш марказлари инсонлар ҳаётда заруратга айланиб бораётгани ва уларда олиб борилаётган ишлар хусусида атрофича фикр юритилди.

Машгулот сўнггида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси

Семинар Етук кадр тайёрлаш фаолият мезони

Семинар Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг салоҳиятини ҳар томонлама юксалтириш, жаҳон андозалари даражасидаги билимларга ҳамда юксак маънавий ғазилларга эга бўлган етук малакали кадрларни етиштириш масалалари баҳс-мунозарасида

ЎЗБЕКИСТОН Миллий матбуот марказида “Сиёсий ҳушёр, маънавий етук ва ватанпарварлик ғоялари билан шаклланди раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасидаги вазифалар: муаммо, ечим ва янги тажрибалар” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Низоларни судга қадар ҳал этиш

судлардаги мавжуд иш юкларининг камайишига хизмат қилади

ҳам эътибор бериш мақсадида мувофиқ бўлади:
биринчидан, фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш тартибини белгилловчи фуқаролик процессуал қонунчиликни янада такомиллаштириш;
иккинчидан, ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг суддан ташқари бошқа муқобил шакллари ривожлантириш;
учинчидан, қонунчиликда айрим тоифадаги низоли ишларни судга қадар ҳал этишга қаратилган тартиб-таомилларни назарда тутиш;
тўртинчидан, бу борада ривожланган хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибасини ўрганиш ва ижодий ёндашган ҳолда уларни татбиқ этиш.

Ҳозирги кунда судларда даъво тартибидан юритилган ишлар сонининг кўпчилиги

Хориж тажрибаси



ва уларни ҳал этиш бирмунча мураккаб эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, низо тарофлар ўртасида келишув битими тузиш орқали яқунлаш масалаларига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Хусусан, ишнинг судга қўришга тайёрлаш жараёнида тарофларни яраштириш чораларини қўришни назарда тутиш мақсуд тартиб-таомилларни белгиллаш, мазкур босқичда тарофлар ўртасида келишув битими тузилиши учун рағбатлантирувчи нормаларни киритиш муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, Францияда судга келиб тушган даъво аризалари даставвал мажбурий тартибда келишув бўлимига берилди ва мазкур низо ёпиқ суд мажлисида келишув асосида ҳал қилинади. Келишув бўлимида иккала томондан сайланган вакиллар иштирок этиб, улар ўз фаолиятла-

рини ишни келишув асосида тугатишга йўналтиради. Ушбу жараёнда эришилган келишув битимини расмийлаштиришнинг содда-лаштирилган усули қўлланилади, яъни тарофларнинг келишув битими суд ҳал қилув қарорлари каби кучга эга бўлган баённома билан расмийлаштирилади, ушбу босқичда иш бўйича гувоҳлар жалб этилмайди ҳамда ишдаги мавжуд далиллар суд томонидан текширилмайди ва баҳоланмайди. Иш юзасидан келишувга эришилмаган тақдирдагина иш судлов бўлимида мазмунан ҳал қилинади. Шунингдек, Россия Федерациясини ФПҚнинг 152-моддаси, Украина ФПҚнинг 130-моддасида ишнинг судга қўришга тайёрлаш босқичининг тарихий қисми сифатида дастлабки суд мажлисларини ўтказиш тартиби ва ушбу жараёнда тарофларни ўзаро келиштиришга қаратилган процессуал чоралар ўз ифодасини топади.

Германиянинг “Суд харажатлари тўғрисида”ги Низомига қўра, агар тарафлар биринчи инстанция судида суд ҳал қарорларига қадар келишув битимига эришсалар, тарофлардан суд харажатлари ундирилмайди. Шунингдек, Россия Федерациясини Арбитраж процессуал кодексининг 141-моддасида тарофлар ўртасида суд ҳал

Фармон ва ижро

Судьяларнинг ижтимоий муҳофазаси

ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИ

СУД-ҲУҚУҚ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш бўйича бошқича-бошқич амалга оширилган ислохотлар давомда жиноят, фуқаролик, ҳўжалик ва маъмурий ишлар бўйича одил судловни таъминловчи, демократик талаблар ва стандартларни инобатга олган ҳолда замон талабларига жавоб берадиган қонунчилик базаси яратилди. Суд иш юритувида апелляция, ярашув институтлари жорий этилиб, суд иш юритувини қисқартиришга, одил судловнинг ошқоралиги ва очкиллигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар қабул қилинди. Судлар ваколатини кенгайтириш юзасидан чоралар амалга оширилиб, илгари прокурор ваколатига тегишли бўлган қамқоқча олиш тарзидagi эҳтиёт чорасини қўллашга санкция бериш ҳамда лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасасига жойлаштириш тарзидagi процессуал мажбурият чораларини қўллаш ҳуқуқлари судларга берилди.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2012 йил 2 августда **“Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофиза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармони билан қабул қилинган қонун билан суд тизимини яхшилаш бўйича амалга оширилган ислохотлар давомда жиноят, фуқаролик, ҳўжалик ва маъмурий ишлар бўйича одил судловни таъминловчи, демократик талаблар ва стандартларни инобатга олган ҳолда замон талабларига жавоб берадиган қонунчилик базаси яратилди. Суд иш юритувида апелляция, ярашув институтлари жорий этилиб, суд иш юритувини қисқартиришга, одил судловнинг ошқоралиги ва очкиллигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар қабул қилинди. Судлар ваколатини кенгайтириш юзасидан чоралар амалга оширилиб, илгари прокурор ваколатига тегишли бўлган қамқоқча олиш тарзидagi эҳтиёт чорасини қўллашга санкция бериш ҳамда лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасасига жойлаштириш тарзидagi процессуал мажбурият чораларини қўллаш ҳуқуқлари судларга берилди.

бараварга оширилди, фуқаролик ишлари бўйича судлар тизимини оптималлаштириш, судлар фаолиятига замонвий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, юридик таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича чоралар белгиланди. Ушбу Фармонда белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида, 2012 йил 30 ноябрда Президентимизнинг **“Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”**ги

Фармони қабул қилинди ва суд фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ташкилий чора-тадбирлар белгиланган берилди. Хусусан, Фармонда судьялик лавозимига номзодларни шакллантириш тизими ўзгартирилиб, судьялик лавозимига номзодлар танлашда яхши тайёрларлик кўрган, юқори малакали, катта ҳаётий тажрибига ва тегишли юридик иш стажига эгалигига алоҳида эътибор қаратилиши белгиланди. Шунингдек, номзодлар Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш марказида махсус курсларда ўқиш ва тегишли судларда стажировкадан ўтишлари ҳамда ўқиш ва стажировкадан ўтиш даврида уларнинг асосий иш жойларидаги ўртача иш ҳақи сакланиб қилиниши қайд этилган.

Мазкур Фармонга асосан қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 2 августда **“Судьяларни ижтимоий муҳофиза қилиш ва ушбу лавозимга номзодларни ўқитишнинг ташкилий асос-**

ларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”

ги қарори билан судьяларни ижтимоий муҳофиза қилиш тизими такомиллаштирилди. Жумладан, ваколатлари муддати тамом бўлган судьялар учун ваколатларнинг янги муддатига қайта тайинлаш (қайта сайлаш) учун уларнинг ҳужжатларини кўриб чиқиш даврида ёхуд янги иш жойида ишга жойлашгунгача ўртача ойлик иш ҳақи уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатга сақлаб қолинади. Шунингдек, Олий суд, Олий ҳўжалик суди судьяларига ва уларнинг оила аъзоларига тиббий хизмат кўрсатиш республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббиёт-санитария бирлашмаси муассасалари томонидан таъминланиши белгиланган қўйилди.

Қайд этиш жоизки, судьяларни ижтимоий муҳофиза қилиш тизимидagi кенг қўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштиришга қаратилган бўлиб, суд ҳокимияти ва судлар мустақиллигини мустаҳкамлашда муҳим ўрин эгаллайди. Бу эса ўз ўрнида, суднинг обрўсини янада оширишга, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини суд томонидан қаролати химоя қилинишини таъминлашга кенг имкон яратди.

Сарвар МАҲАММАДИЕВ,
Олий суд ҳузуридаги
Тадқиқот маркази
бўлим бошлиғи

Суд департаменти

Ижро самарадорлиги

7,8 фоиз ўсишни таъминлади

МАЪЛУМКИ, Президентимизнинг 2007 йил 1 ноябрдаги **“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Қарори соҳада ижро самарадорлигини янада оширишга қулай имконият яратди. Қарорга мувофиқ ижро интизомини мустаҳкамлаш ва таркибий тузилмалар фаолиятини самарали ташкил этишга эришилди. Тизимли таҳлил ва назоратни амалга ошириш мақсадида Суд департаменти таркибидa ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси ташкил этилди.

ҚАРОРГА асосан 2007 йил 1 декабрдан бошлаб суд ижрочилари томонидан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижроси бўйича ҳаракатларнинг бажарилиши учун ижро йўғими жорий этилди. Ижро йўғими қарздордан иқтидор ижро этиш муддати тугаганидан кейин мулкий характердаги ижро ҳужжатлари бўйича — жисмоний шахсдан ундириладиган сумманинг 1 фоизи миқдоридa, юридик шахсдан 2 фоизи миқдоридa ундирилиши белгиланди. Номулкий характердаги ижро ҳужжатлари бўйича — жис-

моний шахсдан энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдоридa, юридик шахсдан эса 10 баробари миқдоридa йўғим ундирилиши белгиланган қўйилди.

Даврий тўловларни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича, хусусан, алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлиги, шунингдек, боқувчининг ўлими натижасида қўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ишлар бўйича ижро йўғимининг ундирилмаслиги эса инсонпарварлик таъминлигининг ёрқин ифодасига айланди.

2009 йил 15 январдан қўға кирган **“Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги Қонун соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим босқичи бўлди. Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши ижро самарадорлигининг янада ошишига, мажбурий ижро ҳаракатларини амалга оширишнинг муҳим механизми яратилишига мустаҳкам замин бўлди.

Жумладан, ушбу Қонуннинг қўға кириши муносабати билан **“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”**ги Қонунга ва бошқа қонунларга ҳамда кодексларга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ўтган ойлар давомида Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг Бектемир тумани суд ижро бўлимига келиб тушган жами 8 552 та ижро ҳужжатида 7 562 тасининг ижроси тўлиқ таъминланди. Бу эса ўтган йилларга нисбатан 7,8 фоиз юқорилди. Буларнинг барчаси ижро интизомидa эришилаётган натижалар самарасидир.

Нодир НАБИЕВ,
Суд департаментининг
Тошкент шаҳар ҳудудий
бошқармаси Бектемир
тумани суд ижро
бўлими бошлиғи

Анжуман

Одоб-ахлоқ масалалари

билан хорижликлар танишишди

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази томонидан ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори ва **“Минтақавий диалог”** халқаро нодавлат ташкилоти (Словения) билан ҳамкорликда **“Суд тизими қадарларини тайёрлаш ва суд этикасига оид халқаро стандартлар”** мавзусида халқаро семинар ташкил этилди.

ИШТИРОКЧИЛАР суд этикасининг халқаро стандартлари ва миллий қонунчиликнинг ҳуқуқий асослари, судьяларнинг профессионал фаолият олиб бориш қоидалари ҳамда уларнинг хизматдан ташқари фаолиятига оид этика талаблари билан танишди.

— 2013 йилнинг февраль

ойида Судьяларнинг одоб-ахлоқ қоидалари қабул қилинган бўлиб, мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши суд ҳокимиятининг мустаҳкамланишига ва судьяларнинг мустақиллигини таъминлашга, шунингдек, бу касб эгаларининг, нуфузини, оширишга хизмат қилади, — деди

Юристар малакасини ошириш маркази директори Асқар Рафуров.

Тадбирда сўзга чиққан Польша Олий суди собиқ судьяси, Варшава университети профессори Мария Тереза Ромернинг суд этикасининг Европа андазаларига бағишланган нутқи иштирокчиларда алоҳида қизиқиб уйғотди. Семинарда хорижий экспертлар Ўзбекистонда суд кадрларини тайёрлаш ва суд этикасининг қонунчилик асослари тўғрисида маълумотга эга бўлди.

Ҳамкорлик йўлида

МАТЕУОТДА ҳуқуқий мавзуларни ёритишга ихтисослашган журналистлар қатлами шаклланимда. Муҳими, миллий матбуотимизда янги йўналиш — ҳуқуқ журналистикаси ривожланимда.

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ “Dedeman” меҳмонхонасининг конференция залида АҚШ элчиси Жорж Крол Словениянинг “Regional Dialogue” (“Минтақавий мулоқот”) нодавлат ташкилоти томонидан ташкиллаштирилган, америкалик ва ўзбекистонлик мутахассисларнинг ОАВ ва суд тизими

ўртасидаги муносабатларига қаратилган жамоатчилик муҳокамасини очиб берди.

Тадбирда Ўзбекистонда олиб бориладиган суд тизимидagi ислохотларни илгари суришда оммавий ахборот воситаларининг роли ҳақида сўз юритилди. Унда Массачусетс Олий суди судьяси ва

МУҲИМ ҚОДАМ

Массачусетс Олий суди қилишдаги Суд ОАВ комиссияси хамраислари бўлиш Роберт Корди ҳамда “Бостон Хералд” газетаси муҳаррири Рашель Коэн суд тизими ва ОАВда фаолият юритаётган мутахассислар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича ўз тажрибалари билан ўртоқлашди.

Мадина ҲАМДАМОВА,
“Инсон ва қонун”
муҳбири

Адлия ёрдам берди

Иш билан таъминлаш чоралари кўрилмаган

Бундай ҳолат жавобгарликни келтириб чиқаради

МЕҲНАТ кодексининг 65-моддасига кўра ишсиз, деб эътироф этилган шахсларга тегишли тартибда ишсизлик нафақаси тайинланиши кўрсатиб ўтилган. Шундай бўлишига қарамай айрим меҳнатни муҳофиза қилиш соҳаси ходимлари томонидан меҳнат муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига амал қилмаслик ҳолатлари кам бўлса-да, учраб туради.

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармасининг Жиззах вилояти ҳудудий бўлими фуқаро Дилбар Юнусованин ўзи ва турмуш ўртоғига белгиланган ишсизлик нафақасини ололмаётганлигини норози бўлиб йўллаган мурожаатини ўрганиб чиқиб, “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги ва “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонун талаблари бузилганлигини аниқлади.

Текширишда аниқланишича, эр-хотин Жиззах тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш марказига иш билан таъминлаш тўғрисида ариза билан мурожаат этиб, тегишли ҳужжатларни тақдим қилган.

Ушбу ҳужжатлар марказ томонидан расмийлаштирилган. Бироқ фуқаро Д.Юнусовага мақбул келадиган иш ўринлари тақлиф этиш билан боғлиқ ҳаракатлар олиб борилмаган, иш билан таъминлаш чоралари кўрилмаган ва унга нисбатан ишсизлик нафақаси тайинлаш ҳақида тегишли ҳужжатлар фуқароларни ишсиз, деб эътироф этиш масалалари бўйича комиссиясига кўриб чиқиш учун тақдим қилинмаган.

Кизиғи шундаки, бу борада марказ директорининг ишсизлик нафақаси белгиллаш ҳақидаги буйруғи чиқарилмаган бўлса-да, фуқаро Д.Юнусовага Жиззах тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш марказининг масъул мутахас-

сиси М.Абдиев томонидан 2012 йил 12 ноябрдан ойна 54266 сумдан ишсизлик нафақаси тайинланганлиги, нафақа 2012 йилнинг 1 ноябрдан ҳисобланиши тўғрисида хабарнома юборилган. Аммо марказнинг фуқароларни ишсиз, деб эътироф этиш масалалари бўйича комиссияси қарори ва бу борада марказ директорининг ишсизлик нафақаси белгиллаш ҳақидаги буйруғи бўлмаганлиги сабабли фуқаро Д.Юнусовага ишсизлик нафақаси берилмаган.

Вилоят адлия бошқармаси аралашувидан сўнг аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида Жиззах вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш бош бошқармасига тақдимнома киритилди ва натижада қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган Жиззах тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш маркази мутахассиси М.Абдиев интизомий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, фуқаро Д.Юнусовага 2013 йил 1 июлдан ишсизлик нафақаси белгиланди ҳамда Р.Юнусованин тўланмай қолган 1 ойлик ишсизлик нафақасининг тўланиши таъминланди.

Баҳодир ҚАРШИЕВ,
Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармасининг
Жиззах вилояти ҳудудий бўлими бошлиғи

Талқин

Ношукурлик

борига қаноат қилмаслик муаммога дучор қилади

МАЪЛУМКИ, Юртбошимизнинг **“Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги **“Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида”**ги қарори қабул қилинди. Инсонийлик таъминлигини акс эттирган ушбу қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятида Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудидa ва унинг ташқарисидa ҳам фуқароларни ҳуқуқий ҳимоя қилади ва уларга ҳимойлик қилишни қафолатлайди, деган қонда мужассам.

БУГУНГИ тажрибалар шуни кўрсатадики, одам савдосининг барча турларига қарши кураш самарадорлигига фуқаролик жамиятининг барча аъзолари қўшилгандагина эришиш мумкин. Чунки фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи нодавлат ташкилотлар фуқаролик жамиятининг ривожидa муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, инсонлардан ноқонуний фойдаланиш, уларнинг гайриқонуний миграцияси ва одам савдосига қарши курашиш бир неча давлат органларининг ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатини талаб қилади. Энг аввало, ушбу йўналишда фаолият кўрсатувчи давлат органлари ҳамда уларнинг ваколатларини аниқлаб олиш зарур.

Одам савдоси жиноятининг содир этилишига бир қатор омиллар сабаб

бўлмоқда. Масалан, инсонларнинг ношукурлиги, борига қаноат қилмай, ўзини ўққа-чўққа уриб, кези келганда турли йўллар билан ишлаш учун чет элга кетиши, ноқонуний “туризм”, никоҳ агентликларини шулар жумласидандир. Айниқса, оиласида қадр топа олмай, арзимаган нарсадан муаммо ясаб ёки келажақда бой ва бахтли ҳаётга интилган кўпчилик аёллар жабрланувчилар сафига кириб қолаётганлиги ачинарли ҳолдир. Ушбу жиноят инсонийлик доирасидан ташқарида бўлган кимсаларнинг мудҳиш, тубан ва жирканч қилишидир. Инчунун, бундай қилмишлар инсоният фожиаси ва тамаддун тўсигидир.

Дилшод АШУРОВ,
Самарқанд вилояти адлия
бошқармаси масъул ходими

**НАМАНГАНДАГИ
“BIRYUZA GROUP” ҚЎШМА
КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

Ўзбекистон халқини, шў жўмладан, республикада
фаолият олиб бораётган барча қўшма корхоналар
жамоаларини Мустақиллик байрами билан
табриклайди!

Истиқлол берган имкониятлардан янада кенфок
фойдаланиб, қилинган меҳнатлар самарасини
кўриш барчага насиб этсин.

**НАМАНГАНДАГИ “ТРУБО ПЛАСТ ПЛЮС”
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

барча
юртдошларимизни
хуррият
байрами билан чин
дилдан табриклайди!
Истиқлол тимсоли
бўлган
Мустақиллигимизнинг
22 йиллик байрами
барчамизга муборак
бўлсин.
Соғлиқ-омонлик,
тинчлик-
хотиржамлик,
фаровон ҳаёт доимий
ҳамроҳимиз бўлсин.

